«Qishloq hayoti»
2017-yil 28-yanvar, shanba № 12 (8719)-son

# БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИ ҲАМИША БАРҲАЁТДИР

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ

## БУЮК МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТЛАР СОҲИБИ

**Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов миллий тарихимизни тиклаш ва халқимизнинг миллий ўзлигини англашда юксак даражадаги маънавий жасоратлар кўрсатди, десак муболаға бўлмайди.**

Ислом Каримовнинг республика ҳаётининг барча жабҳаларидаги муаммоларни кўтариш ва уларнинг ечимларини топишга қаратилган ҳаракатларини кузатар эканмиз, бу борада миллий тарихга, яъни собиқ ҳукмрон мамлакатга, раҳбариятига сира маъқул бўлмайдиган, улар тиш-тирноғи билан қарши чиқадиган муаммога алоҳида эътибор бера бошлаганига гувоҳ бўламиз. Бу ўша даврда ҳақиқий жасорат эди.

Масалан, 1989 йил 21 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида"ги қонунининг қабул қилиниши, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши маҳаллий кадрларнинг республика ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз эди. Қолаверса, бу миллий тарих билан чамбарчас боғлиқ масала эди.

1990 йил 3 майдаёқ Ислом Каримов фармонига асосан 21 март – юртимизда Наврўз умумхалқ байрами ва дам олиш куни, деб эълон қилиниши миллий ўзликни англаш томон қўйилган энг катта қадамлардан бири бўлди. Диний қадриятларимиз, улуғ бобокалонларимиз томонидан яратилган кўп минг йиллик бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш ва маънавий юксалишни таъминлашга хизмат қилувчи давлат сиёсати олиб борилди. Наврўз байрами билан бирга Рамазон ва Қурбон Ҳайити байрам сифатида кенг нишонланадиган бўлди.

1990 йил сентябрь ойида республикамизда улуғ аллома, ҳадис илмининг мўътабар намояндаларидан бири, ватандошимиз Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллиги нишонланиши ҳам ўша давр учун ғоят улкан воқелик эди.

Бу каби яна ўнлаб воқеликлар собиқ тузумга қарши эркинлик йўлидаги мисли исён ва айни пайтда жасорат намунаси эди.

Мустақиллигимиз қўлга киритилгач, И.А.Каримов миллий тарихни ўргатиш орқали ёш авлодни тарбиялашни муҳим зарурият сифатида кун тартибига қўйди.

Ислом Каримовнинг "Тарихий хотирасиз – келажак йўқ" номли асари 1998 йилда тарихчи олимлар ва ижтимоий соҳа вакиллари билан ўтказилган мажлисда сўзлаган нутқи асосида юзага келган. Унда Биринчи Президентимиз ўзбек давлатчилиги 1924 йилда бошланган деган нохолис фикрларни рад этиб, "... Янгидан шаклланаётган ўзбек давлатчилиги бошида турган инсон сифатида айтишга ҳаққим бор, керак бўлса, бу иш учун жонимни, борлиғимни беришга тайёрман. Чунки, ҳаётимнинг мазмуни шундан иборат. Лекин фақат бир мен эмас, бутун халқ билишни истайди: ўзбек давлатчилиги қайси асрда пайдо бўлди? Қандай тарихий босқичларни босиб ўтди? Мутахассислар, балки, тушунтириб берарлар, балки аниқ жавоблари бордир?" деган саволларни олимлар олдига қўйганди ва уларнинг кейинги тадқиқотларининг йўналишларини белгилаб берганди.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар оқибатида зардуштийларнинг муқаддас китоби "Авесто", халқ оғзаки ижоди намуналари, Наврўз байрами, муқаддас ислом динимиз мустақиллик йилларида халқимиз ардоғида бўлиб келмоқда, улар кенг миқёсда ўрганилмоқда. Тарихда катта илмий кашфиётларни амалга оширган буюк алломалар Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Мусо Хоразмий, Абу Наср Форобий, Рудакий, Мирзо Улуғбек, Жомий, Навоий, Бобур, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат ва бошқа юзлаб зотлар, миллий озодлик кураши қаҳрамонлари Тўмарис, Широқ, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби буюк зотларнинг ҳурмат-иззати жойига қўйилди, уларнинг ҳаёти ва фаолиятига янгича ва объектив баҳолар берила бошланди.

Ислом Каримов ўз тарихини билган инсонлар билан ислоҳотларни самарали амалга ошириш мумкинлигини ақл кўзи билан кўра олган буюк давлат раҳбари эди. Истиқлолимизнинг ўтган йигирма беш йиллиги миллий тарихимизнинг қайтадан туғилиши ва қадриятларнинг тикланиши солномасига айланди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов 2014 йилда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида "Ўрта аср Шарқ тарихи шундан далолат берадики, маданият ва таълим-тарбия, тиббиёт, адабиёт, санъат ва архитектура соҳаларидаги беқиёс юксалиш, илмий мактабларнинг вужудга келиши, янги-янги истеъдодли авлодлар тўлқинининг пайдо бўлиши ва вояга етиши, буларнинг барчаси биринчи навбатда иқтисодиёт, қишлоқ ва шаҳар хўжалигининг анча жадал ўсиши, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг юксак даражада ривожланиши, йўллар қурилиши, янги карвон йўлларининг очилиши ва аввалambor нисбий барқарорликнинг таъминланиши билан бевосита боғлиқ бўлган" – дея миллий тарихимизнинг бой эканлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Мустақиллик йилларида юртимиздаги деярли барча тарихий жойлар муқаддас қадамжоларга айлантирилди, меъморий иншоотлар қайта тикланди, янги меъморий ечимлар билан бойитилди. Самарқанднинг 2750, Қарши ва Шаҳрисабзнинг 2700, Бухоро ва Хиванинг 2500, Тошкентнинг 2200, Марғилоннинг 2000 йиллик юбилейлари жаҳон миқёсида кенг нишонланди. Қисқача айтганда, Ислом Каримовнинг бевосита ғамхўрлиги туфайли ўтмиш, бугун ва келажак ўртасида муҳим кўприк ўрнатилди.

Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари билан ислом ҳуқуқшунослигининг улкан намояндаси, шайхулислом Бурҳониддин Марғиноний, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Маҳмуд



Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрори валий сингари улуғ сиймоларнинг мероси қайтадан ўрганилди, уларнинг номлари тикланиб, муаззам гўшалари гўзал зиёратгоҳларга айлантирилди. Уларга юксак эҳтиромлар кўрсатилди. Имом Бухорий асарларининг таржимаси амалга оширилди, бу улуғ зот ётган ерда муҳташам қурилишлар олиб борилди, ором топган сўнгги манзили муқаддас зиёратгоҳга айлантирилди. Ислом Каримов Соҳибқирон Амир Темурга Шаҳрисабз, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида ҳайкаллар ўрнатилиш ғоясини олиб чиқиб, бу ишларнинг амалга ошишида бошқош бўлди.

И.Каримовнинг буюк хизматлари туфайли наинки миллий тарихимиз тикланди, балки халқ онгида миллий ўзликни англаш туйғулари шаклланди. Шунингдек, мустақиллик даврида мутеликни билмайдиган, ўз мустақил фикрига эга бўлган, жаҳон саҳнида ва мафкуравий курашлар майдонида собитқадамлик билан фаолият юрита оладиган, бир неча тилларни ва замонавий билимларни эгаллаган янги авлод шаклланди.

Қувонарлиси, бу сиёсат бугунги кунда мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан изчил давом эттириляпти. Хусусан, Президентимиз фаолиятининг илк давридаёқ мамлакатимиз илм-фан намояндалари билан бўлган учрашуви, Биринчи Президентимизнинг номини абадийлаштириш борасидаги қарори, жойлардаги учрашув ва мулоқотлар давомида мамлакатимиз ривожи йўлида фидойилик кўрсатган сиёсат арбоблари, илм-фан фидойилари, ижодкорлар хотирасини ҳам муносиб тарзда хотирлашни тарғиб қилиш ва улар номини абадийлаштиришга, халқимиз маънавий оламини янада юксалтириш йўлида китобхонликка алоҳида эътибор қаратаётгани бунга яққол мисолдир.

**Шоҳистахон ЎЛЖАЕВА,**
***тарих фанлари доктори.***

**Ислом Каримов мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, уни замонавий асосда тараққий эттириш стратегиясини ишлаб чиққан, жаҳон миқёсида катта обрў-эътибор қозонган буюк давлат ва сиёсат арбоби сифатида Ватанимиз тарихида мангу қолади. Халқимиз тарихан қисқа муддат – 25 йилда эришган барча ютуқ ва марраларни ҳақли равишда Биринчи Президентимиз номи билан боғлайди.**

## УЛУҒ ИНСОН БОШЛАГАН ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойил қисқа даврда ҳаётда ўзини оқлаб, дунё давлатлари, халқаро ташкилотлар томонидан тараққиётнинг "ўзбек модели" сифатида эътироф этилди. Кўплаб давлатлар бу тамойиллардан намуна олишга, уни ўз сиёсатига тарғиб этишга интилди. Таълим тизимидаги ислоҳотлар, қишлоқ жойларда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида кучли ижтимоий сиёсат олиб борилиши мамлакатимиз эришган муваффақиятларнинг муҳим омиллари ҳисобланади.

### ЭЛ ФАРОВОНЛИГИ – АСОСИЙ МЕЗОН

Юртимизда аҳоли фаровонлигини ошириш учун истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ мустаҳкам пойдевор қўйилган эди. Яъни энг қийин ва қалтис даврда қарийб 2,5 миллион оилага 400 минг гектар ер қўшимча томорқа сифатида берилганди. Бу эса ўша даврда ниҳоятда кескин муаммоларни бартараф этишда муҳим роль ўйнади. Меҳнатга яроқли аҳолини иш билан таъминлаш, аҳолининг реал даромадини ошириш, энг муҳими, озиқ-овқат маҳсулотлари кўпайтиришга катта имконият яратди.

Кейинчалик эса фермерлик ҳаракатининг ташкил этилиши эл фаровонлигини таъминлашда кўплаб муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берди. Айни пайтда фермер хўжаликлари аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишда масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ижтимоий-сиёсий кучга айланди. Биринчи Президентимизнинг "Фермер бой бўлса – мамлакат обод бўлади", деган сўзлари замирида ҳам ана шундай ҳақиқат мужассам эди.

Асрлар давомида ўз куч-қувватини йўқотиб келган ерга қайта куч-қувват бахш этилди, унинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, агротехникаси юксак даражага кўтарилди. Бундан руҳланган фермерлар нафақат қишлоқ хўжалигида, балки қишлоққа саноатни олиб кириш, эл маъмурчилигига саноат асосида ҳисса қўшиш, экспорт имкониятини ошириш йўлида ҳам фидойилик кўрсатиб меҳнат қилишга интилишди.

Бугун замон шиддати тез, ривожланиш ва тараққиёт жадал асрда дунёнинг бир қатор давлатларида озиқ-овқат танқислиги сезиляпти. Кўпгина юртларда озиқ-овқат муаммоси ўткирлашиб бормоқда.

Шундай шароитда юртимиз бозорларидаги тўкинликни, маҳсулотларнинг арзонлигини, дастурхонимизда баракани таъминлаш учун Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида изчиллик билан ислоҳотлар давом эттирилмоқда. Буларнинг барчаси эртанги турмушимиз янада фаровон бўлишига қўйилаётган мустаҳкам заминдир, "Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги" тамойилининг ёрқин тимсолидир.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 7 январда Прокуратура органлари ходимлари куни олдидан бир гуруҳ соҳа ходимлари билан учрашувида ҳам "Тадбиркор бой бўлса, давлат бой бўлади. Бунинг учун ишбилармонларга кенг шароит яратиб беришимиз лозим", дея таъкидладилар.

Мамлакатимизда мулкчилик шаклини тубдан ўзгартириш бўйича олиб борилаётган кенг миқёсдаги ишларнинг янги босқичи бошланмоқда. Бугун ишбилармонликнинг ҳадисини олган, ўтган даврда катта тажриба тўплаган тадбиркорлик субъектлари ана шу босқичга бемалол мослаша олади ва бу жараённи эплаб кетади. Бозор ислоҳотларига босқичма-босқич ўтишдан кўзланган мақсад ҳам ана шундан иборатдир. Ва бу йўл энг оқилона ва тўғри йўналишдир.

### АДОЛАТ – ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА

"Ўзбек модели"нинг асосий тамойилларидан бир – қонун устуворлигини таъминлаш асносида эркин фаолият юритиш ва ҳаёт кечириш учун мустаҳкам қонуний пойдевор яратилиш эди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида олиб борилган ҳаётбахш сиёсатда ушбу тамойил устувор йўналиш бўлиб келди. Айни шу жиҳат боис, одамларнинг яшаш шароити яхшиланди. Эртанги кундан кўнгли тўқ бўлди. Буларнинг барчаси мустақилликнинг, юртимиздаги тинчликнинг шарофатидан. Ҳаловатда ўтган ҳар бир кун байрам. Юрт осойишталиги боис, ҳаётимизда мазмун, фаолиятимизда барака бор. Адолат мезони эса ҳар доим йўлимизни ёритиб турибди. Шу ўринда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бир сўзларини келтириб ўтишни жоиз топдик: "Биз "Адолат – қонун устуворлигида" деган тамойил асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига муросасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз".

### ДАВЛАТ – БОШ ИСЛОҲОТЧИ

Ҳар бир соҳада давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши бугун эришган ютуқларимизнинг асосий омилларидан биридир. Бунинг самараларини истиқлол йилларида одамларнинг диди, қарашлари, яшаш тарзида катта ўзгаришлар юз берганида ҳам кўриш мумкин.

Айни шу ислоҳотлар боис, юртимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ғалла мустақиллиги, нефт мустақиллиги, қишлоқларимиз ободлиги, йўллар равонлиги, аҳоли учун яратилган қулайликлар, уларни санаб адоғига етиш мушкул.

Буларнинг барчаси юртимизда инсон манфаатларининг нақадар юксак кўтарилгани, халқимиз фаровонлиги ошиб бораётганининг ёрқин ифодасидир.

### ИНСОН ҚАДРИ – УЛУҒ

Юртимизда инсон қадри барча нарсадан улуғланади, инсон манфаатлари бош тамойил ҳисобланади.

Биринчи Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда олиб борилган ислоҳотларнинг мазмун моҳиятига чуқурроқ назар ташласак, айни шу муддао кўзланганини кўрамиз.

Тарихан қисқа давр – йигирма беш йилда эришган ютуқларимизни тасаввур этсак, кеча ким эдигу бугун ким бўлдик, деган саволни ўзимизга берсак, кечаги турмушимиз билан бугунги ҳаётимизни муқояса қилсак, буни янада ёрқинроқ англаймиз.

Буни биргина жиҳатда ўтган даврда йилларга ном бериш муносабати билан қабул қилинган давлат дастурлари самарасида оилаларнинг иқтисодий ва маънавий асослари, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилган ишларда ҳам кўриш мумкин. Бу йўналишдаги ишлар самарасида, энг муҳими, аҳоли ўртасида ижтимоий табақаланиш кескинлашувининг олди олинди, даромадларнинг барқарорлашуви таъминланди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан 2017 йилнинг мамлакатимизда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили", деб номлангани бу борадаги ишлар изчил ва янги мазмун билан бойитилаётганидан далолатдир. Сирасини айтганда, ҳар бир инсоннинг бахтли ва мазмунли ҳаёт кечиришига эришиш юртимиздаги асосий устувор вазифалардан бўлиб қолаверади.

### ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧИМИЗ МУСТАҲКАМ

Бугунги кунларга халқимиз осонликча эришгани йўқ. Унинг ортида оғир меҳнатлар, юрт тақдири ва эл фаровонлиги йўлида ўтган ҳаловатсиз кечалар, Биринчи Президентимизнинг оқилона ва пухта сиёсати турибди. Улуғ инсон бошлаб берган улуғвор ишларни унинг муносиб издоши давом эттирмоқда.

Шу боис, эртанги кундан кўнглимиз тўқ. Бу ишонч халқимизнинг дилида янги довонларни забт этиш иштиёқини кучайтиради.

**Қодиржон ШАВАЗОВ,**
*Тошкент ирригация ва мелиорация институти проректори.*

ДИЛ ИЗҲОРИ

## БАЛАНД ҲИЛПИРАГАН ВАТАН ТУҒИДА СИЗНИНГ СИЙМОНГИЗНИ КЎРАМИЗ

**Мен спортда эришаётган ютуқларимнинг бош омили Биринчи Президентимизнинг Ўзбекистон ёшларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратган юксак эътибори ва ғамхўрлигидир.**

Биз, ёшлар озод ва обод юртда туғилиб вояга етганлигимиздан ва Ўзбекистон номидан халқаро майдонга чиқаётганимиздан доимо фахрланамиз. XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этиш учун Бразилияга жўнаб кетиш чоғимизда барчамиз Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига муносиб туҳфалар билан қайтишни ният қилгандик. Мусобақада олтин медални қўлга киритганимда Ватанимиз байроғининг баланд ҳилпираганини кўриб, ҳаяжонимни яшира олмадим.

Мен Олимпиададаги олтин медалимни Биринчи Президентимизга совға қилмоқчи ва кейинги Олимпиадаларда ҳам муносиб иштирок этишимиз учун у кишининг дуосини олмоқчи эдим... Афсус, бу орзуим армон бўлиб қолди.

Ўтган йил якунида Халқаро ҳаваскор боксчилар ассоциацияси томонидан ўтказилган сўровнома якунига кўра, "Йилнинг энг яхши боксчиси" сифатида эътироф этилдим. Швейцариянинг Лозанна шаҳрида Халқаро ҳаваскор боксчилар ассоциацияси Ижроия қўмитаси йиғилиши ва AIBAнинг 70 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанали маросимда ана шу совринни қабул қилиб олдим. Мени таништириш чоғида "from Uzbekistan!", яъни "Ўзбекистондан!" дея баралла эълон қилишганида Биринчи Президентимизнинг биз ёшларга қарата "Маррани доимо баланд олинг. Зеро, Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмас, ҳеч қачон кам бўлмайди!" деган сўзларини қалбимдан ҳис қилиб, фахрланиб кетдим.

Конституциямиз қабул қилинганлигининг 24 йиллиги байрами арафасида давлатимизнинг юксак мукофотларини топширишга бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳар биримиз ҳақимизда алоҳида тўхталиб, самимий фикрларни билдирганларидан бошимиз осмонга етди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 25 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги қарори кенг жамоатчилик ва биз, спортчи ёшлар дилидаги сўзларнинг амалдаги рўёби бўлди.

Улуғ Йўлбошчимиз хотираси ҳамиша қалбимизда. У кишининг сиймоси кейинги Олимпиадалар ва нуфузли халқаро мусобақаларда ҳам Ватанимиз байроғи баланд кўтарилганида кўз ўнгимизда гавдаланаверади.

**Ҳасанбой ДЎСМАТОВ,**
*"Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони соҳиби.*





## ҚАШҚАДАРЁ ХАЛҚИ ФАХР ЭТАР ДОИМ...

Биз қашқадарёликлар Ислом Каримовни ўзгача меҳр билан яхши кўрар эдик. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Биринчи Президентимиз Ислом Каримов номини абадийлаштириш тўғрисидаги қарори Қашқадарё аҳлини ҳам беҳад қувонтирди. Айниқса, у кишининг биринчи раҳбар бўлиб ишлаган Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрига ҳайкалини ўрнатиш ҳақидаги хулосаси кўнглимизни ниҳоятда тўлқинлантирди.

... Ислом Каримов 1986 йилнинг 27 декабрида Қашқадарё вилоятига янги раҳбар этиб тайинланди. Ўшанда вилоятда аҳвол ниҳоятда оғир бўлиб, бундай вазиятда Ислом Каримовнинг раҳбар бўлиб келиши Яратганнинг вилоят халқига инояти эди.

Янги раҳбар бугуннинг ишини эртага қўймаслик, аҳволни ўзгартириш учун кунларни тунларга улаб, жон койитиб ишлаш, энг муҳими, одамларни олдида турган улуғвор вазифаларни уддалашга руҳлантириш, уларнинг қалбига йўл топиш лозимлигини яхши биларди.

– Бўлиб ўтаётган воқеалар, бошларингизга тушган мушкул муаммоларнинг барчасидан яхши хабардорман, – деди Ислом Абдуғаниевич дастлабки учрашишдаёқ йиғилиш аҳлига. – Бундай ҳолатга бундан кейин чидаш қийин, жим қараб ўтириб бўлмайди. Бобомиз Амир Темур айтганидек, энг ёмон ҳақорат – адолатсизликдир.

Шундан сўнг Ислом Каримов вилоятни қадам-бақадам кезиб чиқди, мавжуд муаммоларнинг ечимини топди.

Ўшанда Шаҳрисабз туманидаги машҳур "Гулистон" колхозининг донгдор раиси Ҳурматой Шоймова билан бўлган суҳбат ҳамон дилимни тирнайди:

– Колхозда хизмат қила бошлаганимга қарийб 40 йил бўлди, – деди опа кўзига ёш олиб. – Мени Худо фарзанддан қисди. Бутун аламимни меҳнатдан олардим. Тақдирга тан бериб, детдомдан бола асраб олишга мажбур бўлдим. Унга меҳр қўйдим. Қаердаги уйдирмалар билан менинг устимдан иш қўзғатишган. Мен қамалиб кетсам, беозоргина ўсмир болам яна кимнинг қўлида қолади. Кўрадиган азобларим эмас, ана шу бегуноҳ боланинг тақдири менга кечалари билан уйқу бермайди...

– Йиғламанг, опахон, ҳақиқат барибир қарор топади, ўғлингиз етим бўлиб қолмайди, ҳамиша бирга бўласизлар, мен сизга ваъда бераман, – деганди Ислом Каримов ўшанда.

Шу куни Ислом Абдуғаниевич бор-йўғи 6 ой ишлаб, яқинда қамоққа олинган 26 яшар колхоз раиси Шухрат Бобоёров, ёш бола хўжалик раҳбари Каромат Қудратова, бирлари ҳисобчи, бирлари бригадир бўлган Абдураҳмон Эшматов, Бекназар Сувонов, Умрзоқ Узоқов хонадонларида ҳам бўлиб, уларнинг ота-оналари, фарзандлари, қариндошларини бошига тушган кулфатлар вақтинчалик эканлигига, яқин кунлар ичида ўзлари кутаётган хушхабарлар келишига ишонтирди.

Бундай учрашувлар биргина Шаҳрисабзда эмас, барча шаҳар ва туманларда ўтказилар, вилоят раҳбари бу савоб иш учун вақтини сира аямасди.

Қашқадарё вилояти раҳбари ташаббуси бутун республика бўйлаб давом этди ҳамда ўз ижобий натижасини берди.

Шундай қилиб, Ислом Каримов ўз ваъдасининг устидан чиқди. Собиқ ҳукумат бунга қанчалик қарши бўлмасин, бу қаршиликка қарши тура олди. Шунга мос тарзда вилоятда ҳаёт тамоман ўзгарди. Бу меҳр-оқибатдан баҳраманд халқ унинг ортидан яратувчилик ишларига ўзини бағишлади. Бу ҳудуддаги бунёдкорлик ишлари ҳали-ҳамон халқимизни янги-янги уфқларга чорлаб туради.

Биринчи Президентимизнинг ҳар бир сўзлари қалбимизда эртанги кунга ишонч бўлиб жаранглаб турибди.

Халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов айтганидек,

***Қашқадарё халқи фахр этар доим,***
***Исломи яратган шавкати билан.***

**Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ,**
*Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.*

